



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI**  
**SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING**  
**Q A R O R I**

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 - yil 24 - may

9-8-0-Q/21

Surxondaryo viloyati hokimligi

**Ангор туманида “ZAMIN ANGOR CLUSTER” МЧЖга ер майдони  
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йи 26 февралдаги ПКҚ-5009-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12-майдаги 03/1-515-сон розилик хати, вилоят ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 17 майдаги 05-02/394-сон йиғилиш баёни ва Ангор тумани ҳокимининг 2021 йил 12 майдаги 96/01-19-сон хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н :**

1. Ангор тумани Хамкон, Таллимарон, Мустақилликнинг 10 йиллиги, Қорасув, Навшаҳар, Азизов, Занг, Мустақиллик ва Ш.Рашидов массивларидан “ZAMIN ANGOR CLUSTER” МЧЖ пахта-туқимачилик кластерига туман ҳокимлиги захира ер фондидан жами 10587,7 гектар, шундан, 9199,1 гектар суғориладиган экин ер, 14,6 гектар кўп йиллик дарахтзорлар, 19,3 гектар яйлов ер, 104,5 гектар йўллар, 1250,2 гектар сув ости ер майдонлари (49 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ангор тумани ҳокимлиги (Абдуллаев) 10 кун муддатда “ZAMIN ANGOR CLUSTER” МЧЖ пахта-туқимачилик кластери билан кластерга ажратилган ер майдонида фаолият юритаётган фермер хўжалиқларини контракция шартномалари асосида ишлашини ташкил этиш чораларини кўрсин.

3. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Маманов), вилоят ҳокимининг ўринбосари (Турапов), Ангор тумани ҳокимлиги (Абдуллаев) биргаликда “ZAMIN ANGOR CLUSTER” МЧЖ пахта-туқимачилик кластери томонидан кластерга ажратилган

ер майдонида “Ангор Сурхон ғурури” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластери ва фермер хўжаликларининг 2021 йил пахта ҳосили учун ер тайёрлаш ва чигит экиш (шудгорлаш, ер текислаш ва бошқа агротехник тадбирлар) харажатлари қопланишини таъминлаш чораларини кўрсин.

4. Марказий банкнинг Сурхондарё вилояти бош бошқармаси ҳамда тегишли тижорат банклари раҳбарларига “ZAMIN ANGOR CLUSTER” МЧЖнинг талабномалари асосида жорий йил пахта ҳосилини етиштириш ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш учун талаб этиладиган кредит маблағларини белгиланган тартибда ажратиш тавсия этилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилояти бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилояти бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

7. Ушбу қарорнинг тасдиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан сўралсин.

8. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб- сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

**Сурхондарё вилояти ҳокими**



**Bobolov T.A.**